

БАГИШЛОВ (II) - у ёки бу тарихий шахе, вокеа-ходисага бевосита муносабат тарзида, унга багишлаб ёзилган шеърий асар. Шарк адабиётида касида атамаси билан юритиладиган шеърларни багишловнинг бир кўриниши дейиш мумкин. Уларда даврнинг машхур шахслари, давлат арконлари мадх килинган. Багишловлар ёзиш Европа адабиётида XVII-XVIII аерларда бирмунча ривожланди. XIX аерга келиб конкрет тарихий шахсларга аталган тугал шеърий багишловлар кўплаб яратилди. Пушкин ва Лермонтов сингари йирик шоирлар ижодида турли мавзудаги багишловларни кўплаб учратиш мумкин.

Янги давр ўзбек шеъриятида ҳам кўплаб багишловлар яратилган ва яратилмоқда. Фитратнинг «Укитгувчилар юртига», Чўлпоннинг «Синглимга», Г.Гуломнинг «Кирувчи киз (Зебо Ганиевага)», «Шота Руставели», Султон Жўранинг «Кардош бахши (Жамбулга)», А.Ориповнинг «Дорилфунунга», «Онажон», Р.Парфининг «Шоир», «Шеърият», Х.Худойбердиеванинг «Сиз хакингизда ўйлаганларим», «Дугонагинам» каби асарлари багишловнинг типик намуналари хисобланади.